

ISSN 231-2454

VOLUME 2

ISSUE 5

MAY 2022

WE ARE ALWAYS WITH YOU


Google
scholar

SJIF 2022: 5.9

CENTRAL
ASIAN
RESearch
JOURNAL FOR
INTERDISCIPLINARY
STUDIES



SCIENCE
ARTS
SOCIAL SCIENCES
HUMANITARIAN



SCAN ME

WWW.CARJIS.ORG

**CENTRAL ASIAN
RESEARCH JOURNAL FOR
INTERDISCIPLINARY
STUDIES (CARJIS)**

ISSN: 2181-2454

VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2022

carjis.org

Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS)

ISSN (online): 2181-2454

Volume 2 | Issue 5 | May, 2022 | SJIF: 5,965 | UIF: 7,6 | ISRA: JIF 1.947 | Google Scholar |

www.carjis.org

EDITOR-IN-CHIEF

O. Hayitov

Associate Professor, Doctor of Psychological Sciences, Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

O. Ziyatullaev - Professor, Doctor of Chemical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute
S. Madarova - Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan
R. Bekmurozov - Professor, Doctor of Physical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute
G. Nurshiyeva - Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Kazakhstan
G. Gaffarova - Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute
Y. Saifurajeva - Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia
G. Ruzimatova - Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan
B. Esheginov - Associate Professor, Doctor of Physical Sciences, Chirchik State Pedagogical Sciences
N. Sherzadamedova - Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan
B. Khisranov - Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute
M. Makhsudov - Acting Associate Professor, Doctor of Philosophical Sciences in Geographical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute
K. Bobojonov - Associate Professor, Candidate of Physical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute
K. Tulayeva - Associate Professor, Candidate of Historical Sciences, National University of Kazakhstan
O. Nardunko - Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, National University of Science and Technology MISIS
M. Rakhatshilkova - Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, South Kazakhstan State University
M. Gulnara - Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Uzbekistan State World Languages University
N. Makhsudova - Senior Teacher, PhD in Philological Sciences, Uzbekistan State World Languages University
M. Sultanov - Associate Professor, Doctor of Chemical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute
N. Zolotareva - Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia
A. Kholmatov - PhD in Political Sciences, Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
D. Bobonov - Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan
D. Karimov - Associate Professor, Candidate of Physical Sciences, Tashkent Paediatric Medical Institute

D. Karshieva - Doctor of Philosophy in Pedagogy, Lecturer Chirchik State Pedagogical Institute
C. Nasritdinov - Associate Professor, Chirchik Higher School of Tank Command-Engineering
S. Eshonkulova - Associate Professor, Doctor of Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute
N. Soatova - Associate Professor, Doctor of Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute
Z. Yakhshiyeva - Associate Professor, Doctor of Chemical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute
J. Ramatov - Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Tashkent State Transport University
U. Khodjamkulov - Associate Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute
S. Botirova - Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute
B. Yuldashev - Associate Professor, Tashkent Paediatric Medical Institute
Y. Islamov - Associate Professor, Candidate of Biological Sciences, Tashkent Paediatric Medical Institute
S. Allayarova - Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan
M. Djumabekov - Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, South Kazakhstan State University
K. Toshov - Senior Teacher, PhD, National University of Uzbekistan
T. Khojiyev - Associate Professor, PhD, National University of Uzbekistan
T. Kuyliyev - Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Tashkent State Agrarian University
A. Shofkorov - Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute
N. Kholikova - Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute
I. Ergashev - Professor, Doctor of Political Sciences, National University of Uzbekistan
J. Davletov - Senior Teacher, PhD in Philosophical Sciences, Urgench State University
A. Makhmudov - PhD in Economics, Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan
F. Abdullaev - Associate Professor, PhD in Economics, Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan
N. Umarova - Associate Professor, PhD in Psychological Sciences, Tashkent State Pedagogical University
M. Kalandurova - Doctor of Philosophy in Pedagogy, Lecturer Tashkent State Pedagogical University

Editorial Secretary: B. Juraboev

ДАВР ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ САНЪАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ КЎЧИМ ҲОСИЛ ҚИЛИШ

Тўхтамурод Абдуллаевич Ражабов

Бухоро давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Бадиий кўчимлар қўлланган шеънинг савияси ортиб бораверган сари шеъриятда ўз-ўзидан Муболаға, Ташхис, Истиора, Инток деб номланган бадиий санъатларнинг юзага келишига замин тайёрлаган. Юз йиллардан бери яшаб келаётган лафзий ва маънавий санъатлар бугун давр шеъриятида қайта жилоланиб янги кўчимларни яратишга асос бўлмоқда. Таъкидлаш керакки ташхис орқали кўчим ҳосил қилишда муайян меъёрни сақлаш зарур, акс ҳолда, ортиқда сентименталлик, ошкор дидактиклик каби хусусиятлар касб этиши ва бу оҳир оқибатда бадиий жиҳатдан ютқазилган олиб келади. Ўтмиш адабиёти тўплаган ижодий тажрибалар қаймоғи, даврлардан ўтиши билан аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган, боқий қадриятга айланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Калит сўзлар: Кўчим, Муболаға, Ташхис, Истиора, Инток, Анофора, Метасора, Градация, Ташхис, Истиора, Ружу, Таъдил.

КИРИШ

Ўзбек олимларининг олдида янги адабиётшунослик илми асосларини қайта кўриб чиқиш ва мустақамлашдек вазифа турибди”, - деб ёзади адабиётшунос ва адиб Улуғбек Ҳамдам. Ҳақиқатдан ҳам мустақиллик даври ўзбек шеърияти қандай ривожланмоқда? Бу давр шеъриятининг тараққиёт босқичларини белгилайдиган хусусиятлар ҳақида атрофлича тўхталиш ва бугун шеъриятда бўйича ижод қилаётган шоирларимиз эътиборларни қайси усулда ёзишга кенг қаратаётганлари давр олимлари ва танқидчиларининг диққат маркази турибди. Албатта сўз аҳли учун янги бир образ яратиш, янги бир сўзга маъно бериш бу марсага учгандай бахтли бир ҳодиса. Фикрни таъсирчан ва жонли ифодалаш учун, китобхоннинг қалбига кириш учун сўзни турли усулларда ифодалаш талаб қилинади. Бундай шароитда шеърият майдонига бадиий кўчимлар лаббай деб садо бериб чиқиб келади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кўчимлар бугуннинг маҳсули бўлмай балки мумтоз шеърятимизда шоирлар фикрларини жилвалантириш мақсадида бир қатор кўчимларни ўз ижодий ишларида қўллаганлар. Бадиий кўчимлар қўлланган шеърнинг савияси ортга бораверган сари шеърятда ўз-ўзидан Муболаға, Ташхис, Истиора, Интосқидеб номланган бадиий санъатларнинг юзага келишига замин тайёрлаган. Кўришимиз мумкинки троплар ҳар бир даврда ўз аҳамиятини ёқотмаган, сайқаланиб, жилоланиб бораверган. Давр шоирлари ҳам ушбу бадиий кўчимларга асосланган санъатларнинг бевосита меъросхўрлари ҳисобланишадилар. Юз йиллардан бери яшаб келаётган лафзий ва маънавий санъатлар бугун давр шеърятда қайта жилоланиб янги кўчимларни яратишга асос бўлмоқда. Хусусан, анофоралар ҳам бугунги шеърятимизда ўзига хос бир йўналиш сифатида ижодкорларга ҳамдам. Анофора аслида сўз ёки сўзлар гуруҳининг мисра ёки банд бошида такрорланиши, сўз такрорининг хусусий кўринишидир. Анофора маълум бир фикр, ҳис-туйғу, ҳолат ва ҳ.ни таъкидлаб кўрсатишга хизмат қилади. Бу ҳодиса эса айти пайтда табиий равишда шеърнинг хушоҳанглигини таъминлайди. Масалан, У.Ҳамдамнинг қуйдаги мисраларига эътибор қаратамиз.

Ҳолатки, исмиمني эслай олмайман,
 Ҳолатки, қасдида ҳар нега шайман,
 Ҳолатки, кўзимга кўринмас дунё,
 Ҳолатки, ҳаётим энг ширин рўё,-

Оқорида берилган мисолда ҳолат сўзи мисрадан-мисрага ўтиб кучайиб боравиради ва ушбу кучайиш жараёнида ўзига метафоранинг шаклий кўринишларини ҳам ўзига қўшиб олади. Ҳолат сўзи кучайиб борган сари метофорик образга хос хусусиятлар ҳам ўзида метофорикликни кучайтириб, сўнги мисрада яхлит кўчимни ифодалайди. Яъни шоир “ҳаётим энг ширин рўё” дейди. Албатта ҳаётга бундай таъриф нисбий тушунча. Чунки ҳаётнинг ширин, ачиниш бўлмайди. Бу ҳолат ўқувчининг туйғуларини жунбушга келтиради. Айнан мана шу ҳолат метафорани юзага келтиради. Бу ерда шоир метафорани қўллади ҳақида ўйламагани аниқ, бу ерда қалб туйғуларини чиройли қилиб қоғозга тушуришга шайланган шоир метафоранинг гўзал кўринишини юзага келтиради. Яни шоир қалбида ўтмиши ва ҳозирги ҳозирги ягона кечинмага

айланади ва худди шу кечинма бадий шаклда моддийлашиб, яхлит маънавий-рухий реалликка айланади. Юқоридаги метафора орқали берилган фикр маънавий-рухий реаллик нафақат ўқувчи балки шоирнинг ўзига ҳам илк бор намоян бўлаётган ҳақиқатнинг ўзидир. Умуман олганда адабиёт тил билан иш кўради, руҳ эса тилда ўзининг бутун теранлиги билан тўла ўз ифодасини топади. Натижада метафора усули билан кўчим ҳосил қилган сўз вулқон каби ўқувчининг қалбига таъсир кўрсати. Анафора шеърда нафақат стилистик восита балки, балки шеърнинг композицион усулини белгиловчи восита сифатида ҳам намоян бўлади.

Бугунги мустақиллик даври ўзбек шеърятимизда нафақат анофора, балки бошқа бир неча санъатлар ҳам борки булар ҳам ўз навбатида кўчим ҳосил қилиш хусусиятларини намоян қилмоқдалар. Кўчимлар ҳақида гапирганда биз градация усулини бевосита тилга оламиз. Градация (лот. Gradation – изчил кучаймоқ) – мазмуни изчил кучайтириб боришга қаратилган стилистик фигура. Градация икки кўриниши мавжуд бўлиб, биринчиси нутқий бирликлар маънасинга кўра белги-хусусият (ҳолат, ҳаракат ва б.), иккинчиси эса сусайтириш (аңтиклимакс) тартибида кетма-кет келтириш орқали воқе бўлади. Масалан, Иқбол Мирзо шеърдан олинган қуйидаги парчада маънонинг кучайтирилган такрори кузатилади:

Севгилим,
Дилсизлар дилларимизни,
Тошбўрон қилсалар,
Вайрон қилсалар,
Тиконлар қопласа йўлларимизни...

Шоир фикрни ифодалаш давомида ундалмадан кейин ўй-фикрлари, ҳис-туйғу кечинмаларининг ёрга мурожаати тарзида баён этилишини кузатишимиз мумкин. Ошиқ ушбу ўринда дилсиз инсонлар демайди балки “Дилсизлар” деб кўчим турини ҳосил қилади. Бунда маъно “Тошбўрон-вайрона-тиконзор” тарзида кучайтирилади: тошбўрон вайронагарчиликка олиб келади, тиконзорга айланиш эса вайронагарчиликнинг юқори нуктаси. Бу ўринда градация лирик қаҳрамон кечинмалари кучайишини ифодалайди, туйғуни кучайтириб, кечинмани чуқурлаштириб бориш билан бир қаторда метонимия ҳам кучайиб бораверади. Кўриб турганимиздек градация ёрдамида кўчим ҳосил қилиш

тавирланаётган нарса ҳодисани аниқлаштради, уни ҳиссий идрок этиш мумкин бўлган тарзда гавдалантиради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, градация ва сўзларнинг ўзаро кетма-кетлиги натижасида олдинга сурилаётган образ кўз олдинда гавдаланади. Бирок бадий асардаги градация шунинг ўзи билан чекланмайди. У бадий воқелик ашиёси бўлиш билан бирга фикр ва туйғуларни бадий умумлаштиришга интилади, шоир фикрини аниқлаштириш, тўлдириш, кучайтириш мақсадларига хизмат қилади. Шу орқали кўчим ва ундан кейин ҳосил бўлган яхлит бутунликни, бадий воқеликни тўлақонли ва конкрет ҳис этадиган даражада жонли ҳис этиш учун замин яратади.

Шеърый санъатлар орқали кўчим ҳосил қилиш ҳақида гапирганимизда биз бевосита ташхис санъатига дуч келишимиз табиий бир ҳол, албатта. Чунки мумкин шеърый наъмуналаримиздан тортиб, бугунги кунда янгилик белгисини сақлаётган модерн адабиётигача бўлган барча даврларда ташхис санъати дил куйчилари томонидан мутасил равишда ўрганиб келинган ва шу йўналишда ижод қилиш шоирларимизнинг беихтиёр бир вазифаларига айланиб қолган десанг муболаға бўлмайди, албатта. Кузатишларимиз давомида ташхис санъати орқали мавжуд бўлган барча кўчим турларида шеърый наъмуналар яратилганига дуч келдик. Жонлантириш санъати аслида метафоранинг бир тури бўлиниши, жонсиз нарса-ҳодисаларга инсон, умуман, жонли мавжудодга хос сифатларнинг берилишидир. Шунингдек жониворларга инсонларга хос сифатларнинг берилиши ҳам жонлантиришнинг бир кўриниши (антропоморфизм) саналади. Жонлантириш бадий асарда турли даражада кўзга ташланади: 1) стилистик фигура. Инсон тафаккурига хос кечинмалар (методорик) фикрлаш, тил ананъалари билан боғлиқ ҳолда ва муайян ғоявий-эстетик мақсадни кўзлаб бадий нутқда нарса-ҳодисаларга жонли мавжудодларга хос хусусиятлар берилади. М.Юсуфнинг куйидаги “Қари қиз” шеърисидан олинган парчада ушбу ҳолатни кузатишимиз мумкин.

Қариқиз,
Қариқиз, сенга бир савол,
Елкангни тўлдириб сочинг йиғларми,
Ўтгиздан кейинги тонглари малол,
Кунлар кўкрагинга ботган ханжарми,

Ушбу мисраларда кўриб турибмизки шоир шеър давомида қари қизга

“Сочиниш йиғларми” деб мурожаат қилади. Бу орқали эса кўчим турларидан метафорани ҳосил қилади. Албатта, ўхшатилаётган нарса-ҳодисаларнинг айнан ўхшашлиги талаб қилинмайди, балки икки нарса-ҳодисага хос белгилардан бири уласи асос, учун олинади. Йиғлаш бу инсон табиатига хос хусусият ҳисобланади ва мисрадаги сочларнинг йиғлаши эса инсоннинг ички-кениш мазмунини ифодалаб беради. Натижада соч ва инсон кўнгли айнан бир тушунча асосида битта каторга келади ва биз излаётган метафорани ҳосил қилишга сабаб бўлади.

Худди шу жараёнда метафорага омухта равишда ташхис санъати юзага келди. Чунки биологик жиҳатдан сочлар йиғлаш қобилиятига эга эмас. Бу инсоний фазилатлардан бири ҳисобланади. Айни дамда сочнинг йиғлаши ташхисни юзага келтириб сочларга жон ато қилиб юборади. Кўриб турганимиздек биргина бирикманинг ўзида шеърини санъат орқали кўчим тури ҳосил қилинган. Ушбу ҳолат ҳам маълум бир адабий жараён таъсирида юзага келади. Яъни ташхис ва метафора орасидаги шундай ҳолат назарда тутиладики, унда энг тирок этувчи сўзлар, унсурлар ва улар орасидаги ўзаро муносабатлар муайян даражада турғунлик касб этади.

Ушбу жараёнда шунини алоҳида таъкидлаш керакки ташхис орқали кўчим ҳосил қилишда муайян меъёрни саклаш зарур, акс ҳолда, ортиқча сентименталлик, ошкор дидактиклик каби хусусиятлар касб этиши ва бу охир оқибатда бадиий жиҳатдан ютқазинга олиб келади. Адабиётшуносликда лирик мукаддима, лирик хотима тушунчалари ҳам мавжуд бўлиб, улар моҳият эътибори билан кўчимнинг ўзи, фақатгина ушбу мисрадаги жойлашув ўрни ва шу билан боғлиқ бадиий-эстетик вазифалар жиҳатидан бирмунча фарқланади. Жумладан, лирик кириш ўқувчида тасвирланаётган кўчимни қабул қилишга мос эмотионал ҳолатни юзага келтириш, лирик хотима эса кўчимнинг эмотионал муносабатини яхлит ифодалаш ва шу орқали ўқувчи таассуротларини мустаҳкамлаш каби мақсадларни ҳам кўзлайди.

Албатта юқорида айтиб ўтганимиздек ташхис бугуннинг маҳсули бўлмай мумкин, шеъримизда энг фаол фойдаланилган санъат турларидан бири саналади. Ташхис санъатини юзага келтириш ва уни гўзал қилиб ифодалаш учун бу санъат устида тинимсиз ижод наъмуналари яратилган. Бироқ бу даврда ҳам бу кўчириш механик тарзда ёки шунчаки ўйлаб топилган бўлмай, муайян мантикий асосга эгадир. Бошқача қилиб айтсак кўчирилаётган инсонга хос билан ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар ёки бошқа жонсиз нарсаларнинг айрим

жиҳатлари орасида ўхшашлик, муштаракликлар кузатилади. Масалан. “ёмғир ёғиши” инсоннинг кўзёш қилишига монанд, шунинг учун ҳам метафорик асосида эга бўлади. Жалолиддин Румийнинг қуйидаги рубойида ташхис санъати маҳорат билан қўллаганини ва ушбу жараёнда биз ҳозир таҳлил қилаётган кўчим турлари қўлланилганини кўришимиз мумкин:

Рухсорингдан рангин ўғирлабди гул,
Йўлтўсардек дорга осилмиш кокил.
Қанча нола қилди фойда бўлмади,
Фарахбахш бўйингдан жон олди булбул.

Рубойидаги гулнинг ёр рухсоридан ранг ўғирлаши, кокилнинг дорга осилиши, булбулнинг нола қилишию жон олиши - булар бари инсонга хос хусусиятларнинг гул, кокил ва булбулга кўчирилиши натижасида воқе бўлган ташхисдир. Бунга гул ранги билан ёр рухсорининг ранги, кокилнинг осилиб туриши билан дорда йўлтўсарнинг осилиб туриши, булбулнинг сайраши билан инсоннинг нола қилиши ўртасида ўхшашлик борлиги ташхиснинг юзага келишига мантиқий асос бўлган.

Ўтмиш адабиёти тўплаган ижодий тажрибалар қаймоғи, даврлардан ўтиш билан аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган, боқий қадриятга айланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Шу тариқа адабий анъана сифатида шаклланиб ўтмиш адабиётида эришган ютуқлар, тўпланган тажрибаларнинг ҳаммаси боқий қадрият сифатида шаклланган ва бугунги кунда ижодкорлар томонидан наъмуна сифатида фойдаланилган. Ҳар бир авлод ўтмиш адабиёти билан узвий муносабатда бўлади, унга фаол ижодий ёндашади, салафлар тажрибасини ўз даврига ўйган бадиий-эстетик вазифаларни бажаришга хизмат қилдиради. Ушбу ҳамқадимлик қонуний ҳодиса бўлиб, бу икки диалектик алоқадаги бирликни ташқим эътибори ва адабиёт тараққиётининг муҳим ички омилига айланади. Адабиётдаги ворисийлик, содиқлик миллий адабиётдаги ўзига хослик, миллий кифоати йўқотмаслик учун замин тайёрлайди. Мана шу омиллар бадиий санъатларнинг бугунги кунгача етиб келишини таъминлайдиган унсур санъатидир. Мумтоз адабиётимиздаги шеърий санъатлардан бири Истиора ҳам худди шу тарзда бугунги кунгача етиб келган ва давр шоирлари ижодида муҳим ўрин тутмоқда. Мавзу юзасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, истиора кўчим турларини ҳосил қилишда муҳим шеърий санъат ҳисобланади.

Истиора мумтоз адабиётда бир сўз шаклини вақтинча омонатга “омонатга олиб” бошқа яни кўчма маънода ишлатишдир. Истиорада сўзни ўз маъносидан бошқа маънода ишлатиш ўхшашлик асосида амалга ошади. Масалан, М.Ю. Фнинг қуйидаги мисрасида буни яққол кўришимиз мумкин бўлади.

Ёдимда қолгани бир хира юлдуз,
Тунлари кўзимга термулади жим.
Кўнглим чаманига баргин тўкар куз,
Мен сени излайман исмсиз севгим...

Шоир ўзининг ўтган умрига назар ташлар экан жуда кўп ёлғон гапиргани ва севмасдан ёши ўтиб кетгани ҳақида ёзади. Қачонлардир муҳаббатига сазовор бўлган гўзал кизни эслашга ҳам қийналади, лекин у бор, у қалбида яшамоқда. Мана шу севги унинг юрагига бошқа бир муҳаббатнинг киришига асло йўл кўймайди. Шоир маҳбубаси қаерда эканлигини ҳам билмайди, аммо унда доим равишда бахт тилаб туради. Мана шу мисраларда истиора санъати юзага чиқади ва бизни мавзу билан узвий боғлайди. Биринчи мисрадаги “юлдуз” сўзи “ернинг табиий йўлдоши” маъносидан “омонатгина олиниб”, “ёр” маъносида ишлатилган ва ўзига хос образли ифода юзага келган. Бир қарашда юлдуз сўзини машуқа, ёр маъноларида ишлатиш нотабиийдек туюлса-да, нур таратиб турган юлдуз билан ёрнинг нурли жамоли ўртасида ўхшашлик мана шу нотабиийликни табиий, гўзал ифодага айлантиради. Шу орқали шеърдаги бир-бири билан боғланган образлар тизими юзага келади, ушбу образлар бир-бири билан узвий алоқада бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, изоҳлайди ойдирлаштиради. Умуман шеъриятда образларнинг бу каби алоқалари ижтимоий ҳаётни кенг ва лирик яратишга имкон беради.

Ҳомонавий адабиётшунослигимизда шоирлар ўзларининг маҳоратларини турли қил воситалар билан баён қиладилар. Бу жараёнда эса улар бевосита ўтмиш адабиётининг кенг уммонларидан баҳраманд бўладилар. Бугунги кунда шеър ёзиш жараёнида шоирлар томонидан бевосита кўчим турларига мурожаат қиладилар. Бу орқали эса шеъриятнинг жозибадор бўлишига ва айни дамда фикрнинг ўткирроқ ифодалашга эришадилар. Бадиий санъат орқали шеърларни ифодалаш эса шоирларнинг ижодини янада таъсирчанроқ қилиб бораверади. Хусусан бугунги шеъриятимизда ружу санъати орқали шеърларни ифодалаш маълум бир маънода одатга айлангани ҳам бор гап албатта.

Ружу санъати оркали ифодаланган шеърларда шоир дастлаб ўзи келган мулоҳаза (бирор нарса-тушунча, ҳолат ҳақида айтилган гап, унга қилинган қиёс, шиъбех, тамсил ва ш.к) дан қайтиб, кейинги мисралар давомида янада кучлироқ, таъсирлироқ, гўзалроқ тарзда ифодалайдилар. А.Ориповнинг “Жон аччиқ шеъри”да шундай лавҳани кўришимиз мумкин. Шоир байтларда нафис ружу санъатини, балки кўчим турларидан энг фаоли бўлган метафорани ҳам кўришимиз мумкин.

Аё ширин сувинг бўлдими тахир,
Дема бу туз таъми, қон аччиғидир.
Мен ҳам инсон эдим кўзаман ҳозир,
Сувни аччиқ қилган – жон аччиғидир.

Бу ерда шоир ўзи келтирган чиройли ўхшатиш ва сифатлашларни (қон аччиғидир) гўё билмасдан айтиб қўйгандек ёки ундан қаноатланмагандай бўлиб фикридан қайтади ва ундан ҳам кўра таъсирлироқ сифатлашни (жон аччиғидир) келтиради. Бу ўринда нарса-ходисалар орасидаги ўхшашликка асосланувчи асосланувчи троп мавжуд. Аччиқ ва ширин тушунчалари одатда ва табиқат равишта инсон истеъмол қиладиган маҳсулотларга нисбатан ишлаб чиқилиши инобатга олсак, жон аччиғи ва қон аччиғи бирикмалари ўз ўзиде метафорани ҳосил қилади.

Шоир зулм кўрган инсонларнинг қисматини таъсирлар экан уларнинг ноҳақлиги билдирилганига тўхталлади. Уларнинг ҳам яшашга ҳақлари борлигини ва улар ҳам бахтли бўлиши мумкинлиги ҳақида ёзади. Ривоят руҳида ёзилган ушбу мисраларда ружу санъати метафоранинг юзага келишига сабаб бўлади. Қон аччиғини жон аччиғига айлантириш ушбу шеърининг кулминацион нуқтага айланади.

Буни Атоуллоҳ Хусайний куйидагича таърифлайди. “Ружуда лирик қақраган маъшука гўзаллиги ёки бошқа бирор сабаб туфайли хушини ёқотар ҳолатга келади ва шу ҳолатида беихтиёр фикр айтиб қўйиб, кейин хушига келган “аслида манабундоқ эди” тарзида гапини тўғирлаб олади”. Илмий манобларга асосланадиган бўлсак баъзи ўринларда ружу истидрок деб ҳам юритилади, бироқ бу масалада яқдиллик йўқ, истидрокка берилган таърифлар ружудан бирмунча фарқлидир.

Эмоман олганда бадиий санъатлар ҳар бир даврда шеъриятнинг асосини

ташқин этади. Шеърят ўзининг турфа гўзаллигини намоён қилган бир пайтда олимларимиз яна; шундай гўзалликдан баҳраманд бўлиш ва гўзалроқ топималарни излаш мақсадида шеърый санъатларни татқиқ қиладилар. Шундай омиллар сабаб шеърый санъатлар асрлар оша завол топмай замон нафасига ҳамнафас яшаб келяпти. Умуман олганда шоир қалб амрини маълум бир қоидаларга мўсламайди, аммо илм туфайли шеърят қоидаларнинг орқасидан эргашаверади. Адабиёт ва шеърят илмидан хабардор шоирининг шеърлари таъсирли ва гўзалроқ чиқишининг сабаби ҳам шунда. Шеърятда уялдо сўзларнинг саналиши ва уларнинг айнан бир фикрнинг такроридан қулқайиши асарни гоъвий ва бадий жихатдан бор гаплиги ойдай равшан. Мумтоз шеърый санъат наъмуналаридан бири Таъдил санати ҳам худди шу мақсад йўлида хизмат қилади.

Таъдил (ар.– тўғриламоқ) мумтоз адабиётдаги шеърый санъат, бир байт тарқибда бир нечата содда отларнинг маълум бир тартибда саналиши. Масалан Машрабнинг:

Малаксан ё башар, ё хуру ғилмонсан, билиб бўлмасалан
Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмасалан-

Ушбу мисрада ошиқ бевосита ёрга мурожаат қилади. Ёр мохият нуқтаи-назардан тилга олинмайди аммо Малак, башар, хуру ғилмон каби отларни қатор ишлатиш натижасида метафорани ҳосил қилади. Ушбу ўринда метафора ҳосил қилиниши таъдил санъатининг ҳам юзага чиқишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бундай шеърый мисралар мустақиллик даври ўзбек шеърятда қалам тебратётган шоирлар ижодида ҳам жуда кўп ўринларда учратиш мумкин. А.Ориповнинг “Ҳотира” шеърисида шундай ҳолатга дуч келамиз

Она юрт бағрида жуда ҳам йироқ,
Ўзга манзилларда топширдингиз жон.
Ҳануз кўксимизни тирнайди фирок,
Гарчи сиз музаффар, ғолиб, қаҳрамон.

Шоир ушбу шеърини хотира куни муносабати билан ёзади. Шеърнинг бадий мазмунида эса жанрларда озодлик учун жон берган мард ўғлонлар руҳи ёд эъланади. Бугун озод Ўзбекистонда уларга барча бош эгишини таъкидлайди. Бобонарнинг пок хотирасига ҳурмат бажо келтиради. Ушбу шеърда шоир

жанчи образини гавдалантиришга ҳаракат қилади, лекин унинг кимлигини очик айтмайди, балки унга музаффар, ғолиб, қахрамон деб мурожаат қилди. Бу орқали эса кўчим турларидан метафоранинг юзага келишига сабаб бўлган ҳолатни юзага чиқаради. Аини мисрада диққатни тортадиган яна бир муҳим хусусият шундан иборатки, буйерда кўчим турлари ўзаро қўшилиб келади. Яни биргилла таъдил санъатини юзага келтираётган сўзлар айнан бир ўринда ҳам метафори, ҳам метонимияни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Агарда биз музаффар, ғолиб, қахрамон лексемаларига алоҳида эътибор қаратадиган бўлсак, буйерда инсонга мурожаат қилинаётганлиги хақида фикрлар борлигини кўришимиз мумкин. Шоир музаффар инсон, ғолиб жанчи, қахрамон ватандош демайди балки бирикмадаги ҳоким бўлак вазифасини ҳам тобе сулакка юклаб юборади. Бу ўринда эса метонимия кўчим тури сифатида юзага чиқади. Шундай қилиб бир сатрнинг ўзида икки кўчим турининг юзага чиққанини кўришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда санойиъ нутқни гўзал қилувчи бадиий воситаланинг жами бугунги шеъриятнинг ҳам асоси саналади. Аслида нутқни безовчи воситалар, нутқ гўзалликлар дастлаб икки турга бўлинади. Биринчиси нутқнинг атайлаб ишлов берилмаган, тил ҳодисасига айланиб бўлган табиий гўзаллик бўлиб, уларни биз зотий гўзалликлар деймиз. Нутққа безак бериш учун атайин яратиладиган воситалар оризий гўзалликлар дейилади. Кўчимлар эса ушбу гўзалликнинг ҳар иккал қисмида келиши билан шеърга нафосат бахш этади, ва шеъриятда учинчи гўзаллик сифатида қарасак арзийдиган бадиий ҳодисага айланади. Шеърий санатларда нутқнинг кўпроқ қайси жиҳатига қараб ўрнатилишини инобатга олиниб санойилар лафзий санъатлар ва маънавий санъатларга бўлинади. Ҳар иккала турда ҳам кўчимлар ўзининг сержиллолиги билан санъат турларини жилвалантиришга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Д. Туронов “Адабиётшунослик луғати” Тошкент “Академнашр”–2010
2. М. Юсуф “Сайланма” Тошкент “Шарқ” – 2007
3. А. Фрипов “Танланган асарлар” Тошкент “Ф. Ғулом” – 2001
4. Х. Болтабоев “Адабиёт энциклопедияси” Тошкент “Мумтоз сўз” – 2015

GRAMMATICAL COMPETENCE IN ENGLISH LANGUAGE IN STUDENTS OF NON-PHILOLOGICAL EDUCATION. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 356-360. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-356-360>

51. Almatova, U. I., & Erkinova, S. Z. (2022). GRAMMAR GAMES IN TEACHING ENGLISH. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 361-366. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-361-366>

52. Tog'ayev, I., Isoqulov, D., & Turniyozov, Z. (2022). HAVO ELEKTR UZATISH LIHIYALARINING HOLATINI BAHOLASH BILAN ULARNI MONITORING QILISH. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 367-371. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-367-371>

53. Sayliyeva, Z. R., & Murodova, M. R. (2022). LITERACY OF PRAISE IN THE VERSES OF ALISHER NAVOI. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 372-380. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-372-380>

54. Drunboyeva, U. S. (2022). STRUCTURING OF TEACHING AND LEARNING ACTIVITIES. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 381-383. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-381-383>

55. Xolova, S. (2022). O'ZBEK TILIDA SHIRINLIK NOMLARI. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 384-388. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-384-388>

56. Fursunova, O. S. (2022). A PLAN FOR LEARNER-ORIENTED GERMAN LANGUAGE LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 389-393. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-389-393>

57. Axmonova, G. U., & Tuракулова, Д. Б. (2022). ВЗГЛЯДЫ ВЕЛИКИХ ПРЕЖДКОВ О ПРОФЕССИИ. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 394-398. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-394-398>

58. Nazarova, Z. (2022). O'ZBEKISTON RANGTASVIRIDA PORTRET JANINING YANGICHA TALQINLARI. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 399-402. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-399-402>

59. Muxitkabov, T. A. (2022). ДАВР ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ САНЪАТЛАРНИ КУЛЛАШИ ОРҚАЛИ КЎЧИМ ҲОСИЛ ҚИЛИШ. *Central Asian Research Journal*

For *Interdisciplinary Studies*, 2(5), 403-412. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-403-412>

60. Абдуллаева, М. Х. (2022). ОСНОВНЫЕ МЕТОДЫ В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ СПЕЦИАЛЬНОСТЕЙ В СОВМЕСТНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ПРОГРАММЕ «2+2». *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 413-419. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-413-419>

61. Abdulazizova, S. A. (2022). CHET TILLARI O'QITUVCHILARIDA KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARNI TARKIB TOPTIRISHNING PSIXOLOGIK MODELI. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 420-423. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-420-423>

62. Abdulazizova, S. A. (2022). BO'LAJAK CHET TILI O'QITUVCHILARIDA AYZENK SO'ROVNOMASI ORQALI PEDAGOGIK QOBILIYATLARINI DIAGNOSTIKA QILISH. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 424-427. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-424-427>

63. Salimov, M. K., & Safoeva, K. Q. (2022). O'QUVCHILARNING CHIZMANI TAHLIL QILISHI FAZOVIY TASAVVURINI RIVOJLANTIRISH OMIL SIFATIDA. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 428-435. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-428-435>

64. Брохимова, Д. Н. (2022). ПРИНЦИПЫ И УСЛОВИЯ СОСТАВЛЕНИЯ ЗАДАЧ, ТРЕБУЮЩИХ ТВОРЧЕСКОГО ПОИСКА УЧАЩИХСЯ ПО ПРОЕЦИОННОМУ ЧЕРЧЕНИЮ. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 436-441. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-436-441>

65. Шаримов, Б. Т. (2022). КОНСТРУКТОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ УЙФУНЛИКДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАМЛИЛИ. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 442-450. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-442-450>

66. Sharimova, M. O., & Sharipova, D. A. (2022). BO'LAJAK MUTTAHASSISLARNI INNOVATSION YONDASHUV ASOSIDA PEDAGOGIK AMALIYOTINI TASHKIL ETISHNING NAZARIY ASOSLARI. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies*, 2(5), 451-459. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-5-451-459>

67. Иязов, К. С., & Изиева, К. (2022). ТАСВИРИЙ САНЪАТДА